Энг кўп тарқалган эгилувчан иситиш асбоби электр грелка бўлиб, ундан локаль иситишда фойдаланилади. Умумий қўлланилишига мўлжалланган электр грелкаларнинг кўпчилиги 30x40 ўлчамли тўғри тўртбурчак кўринишида ишлаб чиқарилади, истеъмол қиладиган қуввати 60 Вт, номинал кучланиши 127 ёки 220В.



18-расм. Электр билан иситиладиган ухлаш қопи:

б—ухлаш қопининг умумий кўриниши; б — иситиш элементиникг жойлашиши; в —ухлаш қопини ҳосил қилувчи қатламлар бўйича қирқим; 1-таъминлаш манбаи; 2—переключателъ; 3 — термовиключателъ; 4 — иссиқлик изоляцияси; 5 — иситиш элементи; 6 — тўқима материал; 7— ташқи қоплама.

IV. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш. (10 минут)

Саволлар:

1. Инсон танасини иситадиган электр асбоблар ҳақида маълумот беринг?
2. Ухлаш қоплари ҳақида маълумот беринг?
3. Электр оеяллар ҳақида маълумот беринг?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

V. Дарсни яқунлаш. (12 минут)

а) Уйга вазифа бериш.

Уйга лаборатория иши мавзуси бўйича календарь тематик режа, дарс режа-конспекти, мавзуни ўтиб берган талабанинг дарс таҳлили варақаси тўлдирилиб топширилиши вазифа қилиб берилади.

б) Иш ўрнини йиғиштириш.

Дарс мақсади:

Таълимий: талабаларга компрессион совутгичлар ҳақида, уларнинг умумий тузилиши, ишлаш принципи ва таъмирлаш йўллари ҳақида, мавзуни баён қилиш методикасини ўргатиш.

Тарбиявий: мавзуга оид техник хавфсизлик қоидаларини, совутгичларни ишлатиш қонун-қоидалари, таъмирлашда камхаржлик йўллари билан таништириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг илмий изланувчанлик, ижодкорлик сифатларини ривожлантириш.

Дарс шакли: лаборатория.

Дарс методлари: амалий, кўргазмали.

Фанлараро боғланиш: Электротехника, физика, химия, педагогика, педагогик маҳорат, психология, ахборот технологиялари.

Моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар: компрессион типдаги совутгич макети, совутгич ишлаш схемаси, детал намуналари, мавзуга оид плакатлар, адабиётлар.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Авазбоев О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Меҳнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулоти. –Т.: ТДПУ, 1995.
2. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
3. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулоти: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Лепаяев Д.А. Электр уй-рўзғор асбобларининг тузилиши ва таъмирлаши. - Т.: Ўқитувчи, 1987.
5. Шарипов Ш.С. ва б. Педагогик амалиёт (методик қўлланма). -Т.: ТДПУ, 2006.
6. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш., Сатторов В.Н., Авазбоев О.И. Меҳнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулоти. Услубий қўлланма. 2002.

Мавзуни баён қилиш юзасидан методик тавсиянома

Компрессион типдаги совутгичлар турмушда кенг ишлатиладиган, керакли анжом ҳисобланади. Одатда кўпчилик талабалар улар ҳақида муайян малумотларга эга бўлиш билан бирга айрим талабалар энгил таъмирлаш ишларини ҳам бажара оладилар. Шунинг учун ушбу мавзуни совутгичнинг турмушдаги аҳамияти ва тузилиши ҳақидаги умумий суҳбат тарзда бошлаш

керак. Талабалар ўзлари билганларича совутгич турлари , уларнинг бузилиш сабаблари, ишлатиш тартиб-қоидалари ҳақида малумотларни баён қилишади. Талабаларнинг билиш даражасини аниқлагандан сўнг мавзуни суҳбат тарзда бошлаш ва намунадан фойдаланган ҳолда керакли жойларини кўрсатиб тушунтириш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўқув лаборатория хоналаридагина фойдаланиладиган совутгичлар билан чекланиб қолмасдан балки турмушда фойдаланиладиган бошқа турдаги совутгичларнинг ишлаш тарзи ҳақида ҳам умумий малумотларни баён қилиб ўтишимиз керак. Олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида талабаларга совутгич намуналаридан кўргазмали тарзда дарсни ташкил этиш керак. Дарснинг самарадорлигини ошириш мақсадида педагогик технология методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Совутгичларни таъмирлаш ва ҳавфсизлик чоралари ҳақида кўрсатмалар.

1. Совутгичларни кўздан кечириш ва таъмирлашга ҳавфсизлик техникаси талаблари билан таниш бўлган ,электр монтаж ишларини бажаришда зарур бўлган билим ва малакага эга усталаргагина рухсат этилади.
2. Совутгичларни текшираётган ва носоз жойларини тузатаётган пайтда совутгичнинг электр занжирларини текширишда ва ўлчов асбобларини улашда электр токи билан шикастланишнинг олдини олиш учун тегишли эҳтиёт чораларини кўриш керак.
3. Совутгични таъмирлаётганда тармоқдан узиб қўйиш керак.
4. Терморегулятор узоқ муддатга олиб қўйилганда симларнинг очик учи изоляция қилиниши керак.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм. (5 минут).

Дарсга ўқитувчи кириб келади ва талабалар билан саломлашиб, навбатчини аниқлайди, хона тозалигини текшириб бўлгач, давоматни аниқлайди.

II. Ўтган дарс мавзуси ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш. (10 минут).

Саволлар:

1. Инсон танасини иситадиган электр асбоблар ҳақида маълумот беринг?
 2. Ухлаш қоплари ҳақида маълумот беринг?
 3. Электр оеялар ҳақида маълумот беринг?
- Талабалар жавобларини умумлаштириш.

III. Янги мавзу баёни. (45 минут).

Режа:

- 1) Компрессион типдаги совутгичлар ҳақида умумий маълумотлар.
- 2) Совутгичларни ишга яроқсиз холатга келишини олдини олиш йўллари.
- 3) Компрессион типдаги совутгичларнинг таъмирланиш деталлари.

1. Компрессион типдаги совутгичлар ҳақида умумий маълумотлар.

Компрессион типдаги совутгичлар замонавий типдаги компрессион типдаги уй-рўзғор совутгичлар, совитувчи агрегатлар, шкаф, электр ускуналар ва автоматик элементлардан ташкил топган конструкциядан иборатдир. Совитувчи агрегат сифатида хладон (фреон)- 12 ёки хладон-12 да ишлайди.

Совитувчи агрегат. У мотор-компрессор буғлатгич конденсатор, трубопроводлар, системаси ва фильтр-куритгичдан ташкил топган.

Полда ўрнатиладиган совутгичлар мотор-компрессор шкафнинг пастки қисмида жойлаштирилади, конденсатор шкафнинг пастки орқа деворига маҳкамланади, буғлатгич совитувчи, камерани ичида жойлаштирилади.

Мотор компрессорлар уй-рўзғор совутгичларида бир цилиндрли геометрик бўлиб, хладон-12 ишлайди. Замонавий моделлар 3000 мин⁻¹ синхрон айланиш частотасига (ток частотаси 50 Гц) вертикал вал, кривошип кулисали ёки шатун кривошипли (шатуни қисмларга ажратиладиган) ҳаракатланиш механизмига эга. Айланиш частотаси 1500 мин⁻¹ горизонтал вали ва шатун кривошипли механизми бор, анча олдинги конструкциялар ҳам кенг қўламда тарқалган. Ҳозирги вақтда ФГх0,100 компрессорлари чиқарилмоқда. Айрим заводлар қуйидаги ҳароратларда 165 Вт совуқ ишлаб чиқариладиган ФГ-0,14 (КХ-1005 ва КХ-1010 моделлар компрессорлар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда қайнаш – 15⁰С конденсация -30⁰ С, суриш – 15⁰С, ўта совутиш 25⁰С да 165 Вт га тенг.


2. Совутгичларни ишга яроқсиз ҳолатга келишини олдини олиш йўллари

Битта буғлатгични ўзи паст ҳароратли бўлимда ва совутиш камерасида ишлайдиган уй-рўзғор совутгичлар кенг қўламда тарқалган. Бу совутгичларда сақланадиган озиқ-овқатлардан нам кириши очиқ бўлган буғлатгич сиртида қиров интенсив музлайди. Қалинлиги 5 мм дан ортик бўлган қиров қатлами иссиқлик алмашишига тўсқинлик қилиб совутгичнинг ҳарорат энергетика кўрсаткичлари ва эксплуатация қилиш шароитларини ёмонлаштиради. Совутгичда қиров ҳосил қилмасдан ишлаш учун буғлатгич сиртида қировни вақти-вақти билан эритиб ва эриган сувни чиқариб ташлаш комфортлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Битта буғлатгичли уй-рўзғор совутгичларида буғлатгич сиртида қировни эритилишини такомиллаштириш бўйича иккита иш йўналиши мавжуд. Бир томондан буғлатгични актив қиздирувчи қурилма яратилмоқда. Бу қурилма вақт режими орқали ярим автоматик ёки автоматик равишда ишга туширилади.

3. Компрессион типдаги совутгичларнинг таъмирланиш деталлари

Компрессион типдаги совутгичларидан Т-110 типдаги ҳарорат датчик релесини таъмирланиш деталларини қисқача келтириб ўтамиз (Т-110 типдаги ҳарорат датчик релеси плакати) :

1. Сезгир термостатика.
2. Пружина.
3. Ползун.
4. Гайка.
5. Ростловчи.
6. Корпус .
7. Калодка.
8. Контровка



19- расм. СМП-1,5 типдаги «Рига-15» кир ювиш машинаси:
 а-конструктив схемаси: 1- кярмаи; 2- улаш шнурч; 3-патрубок; 4- пробка; 5- когъкок; 6, 8- шланглар; 7- панжара; 9- бак; 10- дасга; 11- коққок; 12- асос; 13- активатор; 14- насос; 15-электр двигателъ; 16-ишга тушириш-химоя релеси; 17- рама; 18- ролик; б- электр схемаси: М₁-АД типидзги 180х4/71 С электр двчгатели; П0- ишга тушириш чулғами; Р0 — иш чулғами; РТК- ишга тушириш-химоя релеси; В₁—РВ-6 типдаги вақт релеси; В₂— переключатель; Ш— штепселлин бирикма; Кл — клемма колодкаси.

IV. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш (10 минут)

Саволлар:

- 1.Хладон-12 ни тушунтириб беринг?
- 2.Совитувчи агрегат ташкил этувчилари?
- 3.Совутгичларни таъмирлашда техника хавфсизлигида нималарга эътибор бериш лозим?

Талабаларга юқоридаги саволлар берилади ва савол беришлари сўралади, жавоблар умумлаштирилади.

V. Дарсни якунлаш (12 минут).

а) Уйга вазифа бериш.

Уйга лаборатория иши мавзуси бўйича календарь тематик режа, дарс режа-конспекти, мавзунини ўтиб берган талабанинг дарс тахлили варақаси тўлдирилиб топширилиши вазифа қилиб берилади.

б) Иш ўрнини йиғиштириш.

Дарс мақсади:

Таълимий: талабаларда электр устараларни таъмирлаш мавзусини касб-хунар коллежида ўқитиш методикаси юзасидан зарурий билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: мавзуга оид техник хавфсизлик қоидаларини, электр устараларни сақлашнинг санитария-гигиена талаблари, электр устараларни ишлатиш қонун-қоидаларини тушунтириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг техник тафаккурини ривожлантириш.

Дарс шакли: лаборатория.

Дарс методлари: амалий, кўргазмали.

Фанлараро боғланиш: электротехника, физика, химия, педагогика, педагогик маҳорат, психология, ахборот технологиялари.

Дарснинг моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар: электр устара макети, уни ишлаш схемаси, мавзуга оид плакатлар, адабиётлар.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Авазбоев О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Меҳнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулоти. –Т.: ТДПУ, 1995.
2. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
3. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулоти: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Лепаев Д.А. Электр уй-рўзғор асбобларининг тузилиши ва таъмирлаши. -Т.: Ўқитувчи, 1987.
5. Шарипов Ш.С. ва б. Педагогик амалиёт (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006.
6. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш., Сатторов В.Н., Авазбоев О.И. Меҳнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулоти. –Т.: ТДПУ, 2002.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм. (5 минут)

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг дарсга тайёргарлиги, лаборатория ишларини бажариб келганлик даражаларини, лаборатория бажариш учун керакли бўладиган анжомларнинг етарли эканлигини текшириш. Талабалар

лаборатория йўриқномаларини олган ҳолда иш бажаришга киришадилар. Хона тозалигини текшириб бўлгач, давоматни аниқлайди.

II. Ўтган дарс мавзусини ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш. (10 минут).

Саволлар:

1. Совитувчи агрегат ташкил этувчилари?
2. Совутгичларни таъмирлашда техника хавфсизлигида нималарга эътибор бериш лозим?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

III. Янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар. (45 минут).

Режа:

1. Электр устараларнинг техник характеристикаси
2. Электр устараларнинг тузилиши

Электр устаралар электр тармоғидан ёки автоном таъминлаш манбаидан қуйидаги номинал кучланишлар билан ишлайди:

частотаси 50 Гц ли бир фазали ўзгарувчан токнинг 127 ва 220 В кучланишида, 110 – 220 В ўзгармас кучланишда (бир кучланишдан бошқасига қайта улаш йўли билан);

частотаси 50 Гц ли ўзгарувчан токнинг 127 ва 220 В кучланишида (бир кучланишдан бошқасига қайта улаш йўли билан);

ўзгармас ток билан таъминлаш манбаидан 12 В гача кучланишда.

Электр устараларнинг ишлаш режимлари – иш даври 10 минут давом этадиган қисқа муддатли. Электр устараларнинг комфорт қилиб ишланган конструкциясида қийдаги қурилмалар бўлиши кўзда тутилган: соч калталаш блоки (БЭПГ электр устараларидан бошқаларида), кучланиш переключатели, выключатель.

Электр устараларнинг ўртача ресурси камида 150 соат бўлиши керак. Устара улаш шнурининг узунлиги 1,7 дан 2 м гача.

Устараларда электр двигателларнинг уч типии қўйлланилади: электромагнитли вибраторлар, коллекторли электр двигателлар, кулисали механизми бор импульсли двигателлар.

Электр устараларнинг корпуслари турли хил маркали пластмассалар, фенопластлар, аминопластлар, СНП пластикалари, сополимерлар, этрол, полистирол, АБС пластикаси ва бошқалардан тайёрланади.

Устараларнинг тўрсимон қўзғалмас пичоқлари никелдан ёки никел – кобальт қотишмасидан тайёрланади. Уларда 2000 тадан ортиқ кесиклар бўлади. Тўрнинг қалинлиги 0,06 мм.

Устараларнинг думалоқ қўзғалмас пичоқлари 30 x 13 маркали пўлатдан тайёрланади, кесикларнинг сони 60 – 80 та (устара моделига қараб). Пичоқнинг қалинлиги 0,05 – 0,11 мм.

Думалоқ қўзғалмас пичоқлар У 10А маркали пўлатдан тайёрланади. Қўзғалувчан пичоқларнинг айланиш частотаси 3000 – 4000 мин⁻¹.

Тароксимон пичоқлар У 7А ёки У 10А маркали пўлатдан тайёрланади. Пичоқларнинг қалинлиги 0,1 – 0,2 мм. Иш вақтида устара пичоқлари минутига 6000 – 10000 кўш юриш қилади.

IV. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш. (10 минут)

Саволлар:

1. Электр устараларнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
 2. Электр устараларнинг асосий параметрларини таърифланг?
- Талабалар жавобларини умумлаштириш.

V. Дарсни якунлаш. (12 минут)

а) Уйга вазифа бериш.

Уйга лаборатория иши мавзуси бўйича календарь тематик режа, дарс режа-конспекти, мавзунини ўтиб берган талабанинг дарс таҳлили варақаси тўлдирилиб топширилиши вазифа қилиб берилади.

б) Иш ўрнини йиғиштириш.

Дарс мақсади:

Таълимий: талабаларда электр гўшт қиймалағичларни таъмирлаш мавзусини касб-хунар коллежида ўқитиш методикаси юзасидан зарурий билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: мавзуга оид техник хавфсизлик қоидаларини, электр гўшт қиймалағичларни сақлашнинг санитария-гигиена талаблари, электр гўшт қиймалағичларни ишлатиш қонун-қоидаларини тушунтириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг техник тафаккурини ривожлантириш.

Дарс шакли: лаборатория.

Дарс методлари: амалий, кўргазмали.

Фанлараро боғланиш: электротехника, физика, химия, педагогика, педагогик маҳорат, психология, ахборот технологиялари.

Дарснинг моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар: электр гўшт қиймалағи макети, уни ишлаш схемаси, мавзуга оид плакатлар, адабиётлар.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Авазбоев О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Меҳнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулоти. –Т.: ТДПУ, 1995.
2. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
3. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулоти: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Лепаев Д.А. Электр уй-рўзғор асбобларининг тузилиши ва таъмирлаши. -Т.: Ўқитувчи, 1987.
5. Шарипов Ш.С. ва б. Педагогик амалиёт (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006.
6. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш., Сатторов В.Н., Авазбоев О.И. Меҳнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулоти. –Т.: ТДПУ, 2002.

Дарснинг бориши**I. Ташкилий қисм. (5 минут)**

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг дарсга тайёргарлиги, лаборатория ишларини бажариб келганлик даражаларини, лаборатория бажариш учун

керакли бўладиган анжомларнинг етарли эканлигини текшириш. Талабалар лаборатория йўриқномаларини олган ҳолда иш бажаришга киришадилар. Хона тозалигини текшириб бўлгач, давоматни аниқлайди.

II. Ўтган дарс мавзусини ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш. (10 минут).

Саволлар:

1. Электр устараларнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
2. Электр устараларнинг асосий параметрларини таърифланг?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

III. Янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар. (45 минут).

Режа:

- 1) Электр гўшт қиймалагичнинг асосий параметрлари.
- 2) Электр гўшт қиймалагичнинг техник хусусиятлари.

Электр гўшт қиймалагичлар ГОСТ 20469-81 талабларига мувофиқ куйидаги типларда тайёрланади: ЭМК-куттерли (пичоқли); ЭМШ-шнекли.

Куттерли электр гўшт қиймалагич-айланувчи пичоқ билан гўшт ёки балиқни майдалайдиган асбоб унинг пичоқлари гўшт ёки балиқни майдалаб бўлаклайди.

Шнекли электр гўшт қиймалагич-айланувчи пичоқ билан таъминланган, гўшт, балиқ, сабзаёт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини майдалаш учун мўлжалланган асбоб. Гўшт айланиб турувчи шнек билан пичоққа узатилади ва тешикли диск орқали сиқиб чиқарилади.

Электр гўшт қиймалагичларнинг асосий параметрлари куйидагича:


Истеъмол қиладиган номинал қуввати, Вт, кўпи билан	1000	100
Бункер бўғизининг чуқурлиги, мм	-	100
Бўғизининг ички диаметри, мм	-	45
Иш унуми, кг/соат, камида	-	30
Массаси, кг	4	5

ЭМБ-2 электр гўшт қиймалагичи (59-расм) тепасига юклаш косаси 9 қўйиладиган корпус 8, шнек 7, пичоқ 6, панжара 5 ва қисиш гайкаси 4 дан иборат. Ёғоч туткич 10 электр гўшт қиймалагичга қўшиб берилади ва дастлабки хом ашёни юклаш косасининг бўғзига суриш учун хизмат қилади. Электр юритма электр гўшт қиймалагични ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади ва электр двигатель 13 ҳамда умумий кожух 14 билан ёпилган ва асос 17га ўрнатилаган пасайтирувчи икки босқичли редуктор 11 дан иборат. Редукторнинг шнекни айлантирадиган чиқиш вали 12 да тешик бўлиб, унга шнек қуйруғининг чиқиб турадиган қисми 2 кириб туради. Шнек айланганда иш вақтида ҳосил бўладиган ўқий кучланишни шнек қуйруғига ўрнатилган таянч шайба 3 қабул қилади.

Электр гўшт қиймалагични тармоққа улаш учун штепсель вилкали улаш шнури 16 хизмат қилади. Электр гўшт қиймалагични асоснинг кетинги

деворчасида жойлашган виключатель 15 ёрдамида ишга туширилади ва тўхтатилади. Электр гўшт қиймалагични ишлатиш учун уни иш столига амортизаторларда бирор бир қўшимча маҳкамлашларсиз ўрнатилади.

Электр жиҳозлари КД-50 типидagi электр двигатель, 4 мкф сифимли конденсатор ва виключателдан



иборат.

20-расм. «Винница» электр гўшт қиймалагичи:

а- конструктив схемаси; б- электр схемаси; 1- винглар; 2—фиксатор; 3- стахзн; 4— қопқоқча; 5-пичоқ; 6 —элсктр цвигзтель; 7- корпус; 8-кнопка; 9- туэ; 10- улаш шнури

IV. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш. (10 минут)

Саволлар:

1. Электр гўшт қиймалагичнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
 2. Электр гўшт қиймалагичнинг асосий параметрларини таърифланг?
 3. «Винница» электр гўшт қиймалагичнинг тузилишини тушунтиринг?
- Талабалар жавобларини умумлаштириш.

V. Дарсни яқунлаш. (12 минут)

а) Уйга вазифа бериш.

Уйга лаборатория иши мавзуси бўйича календарь тематик режа, дарс режа-конспекти, мавзуни ўтиб берган талабанинг дарс таҳлили варақаси тўлдирилиб топширилиши вазифа қилиб берилади.

б) Иш ўрнини йиғиштириш.

Дарс мақсади:

Таълимий: талабаларда электр шарбат қисгичларни таъмирлаш мавзусини касб-хунар коллежида ўқитиш методикаси юзасидан зарурий билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: мавзуга оид техник хавфсизлик қоидаларини, электр шарбат қисгичларни сақлашнинг санитария-гигиена талаблари, электр шарбат қисгичларни ишлатиш қонун-қоидаларини тушунтириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг техник тафаккурини ривожлантириш.

Дарс шакли: лаборатория.

Дарс методлари: амалий, кўргазмали.

Фанлараро боғланиш: электротехника, физика, химия, педагогика, педагогик маҳорат, психология, ахборот технологиялари.

Дарснинг моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар: электр шарбат қисгич макети, уни ишлаш схемаси, мавзуга оид плакатлар, адабиётлар.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Авазбоев О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Меҳнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулоти. –Т.: ТДПУ, 1995.
2. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
3. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулоти: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Лепаев Д.А. Электр уй-рўзғор асбобларининг тузилиши ва таъмирлаши. -Т.: Ўқитувчи, 1987.
5. Шарипов Ш.С. ва б. Педагогик амалиёт (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006.
6. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш., Сатторов В.Н., Авазбоев О.И. Меҳнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулоти. –Т.: ТДПУ, 2002.

Дарснинг бориши**I. Ташкилий қисм. (5 минут)**

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг дарсга тайёргарлиги, лаборатория ишларини бажариб келганлик даражаларини, лаборатория бажариш учун керакли бўладиган анжомларнинг етарли эканлигини текшириш. Талабалар лаборатория йўриқномаларини олган ҳолда иш бажаришга киришадилар. Хона тозаллигини текшириб бўлгач, давоматни аниқлайди.

II. Ўтган дарс мавзусини ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш. (10 минут).

Саволлар:

1. Электр гўшт қиймалагичнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
2. Электр гўшт қиймалагичнинг асосий параметрларини таърифланг?
3. «Винница» электр гўшт қиймалагичнинг тузилишини тушунтиринг?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

III. Янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар. (45 минут).

Режа:

- 1) Электр шарбат сиққичнинг тузилиши.
- 2) Электр шарбат сиққичнинг техник кўрсаткичлари.

Электр шарбат қисгичлар янги узилган сабзавот ва мевалардан шарбат сиқиб олиш учун мўлжалланган.

Электр шарбат қисгичлар икки типда тайёрланади: СВА-тўпон автоматик тарзда чиқариб ташланадиган; СВП-тўпон ярим автоматик тарзда чиқариб ташланадиган.

Шарбат сиққичлар марказдан қочирма кучлардан фойдаланиш принципи бўйича ишлайди. Шарбат сиққичларнинг иш қисмлари тешик-тешикли айланадиган сават ва унинг тубида жойлашган қирғич дискдан иборат. Сават тўкадиган нови бор корпуси жойлаштирилади ва электр двигатель билан айлантирилади. Пластмассадан тайёрланган қирғич дискларга тишли пичоқлар пресслаб маҳкамланган. Корпус қопқоғида деярли диск пичоқларигача етиб борадиган юклаш патрубкиси бор.

Патрубокка юкланган маҳсулот пичоқлар билан майдаланади, шарбат марказдан қочирма кучлар таъсирида саватдаги тешиклардан ўтади, корпусга тушади ва тўкиш нови орқали идишга оқиб тушади. Тўпоннинг чиқариб ташланиш усулига қараб шарбат сиққичлар ноавтоматик (Сок), ярим автоматик (Журавника) ва автоматик-СВА типларга бўлинади.

Ноавтоматик шарбат сиққичларда бир порция маҳсулот сиқилгандан кейин тўпон қўлда олиб ташланади.

“Сок” шарбат сиққичи. Икки қисмдан иборат: Юқориги қисми-шарбат сиққич, пастки қисми-унинг электр юритмаси. Шарбат сиққич ричагча-включатель 1 ни буриш йўли билан ишга туширилади (62-расм). Электр двигатель 1 нинг валига ўтувчи вал 11, қирғич диск 5 ва тўрли сават 4 ўрнатилган. Сиқиб шарбатини олшга тайёрланган сабзавот ва мевалар шарбат сиққичнинг қорқоғи 7 даги юклаш бўлими 8 туширилади ҳамда пичоқларга пестик 9 билан босилади. Қирғич дискнинг юқорига текислигида пичоқлар-кертиклар қилинган бўлиб, уларнинг ёрдамида мева ёки сабзавотлар деярли бир онда майдаланади ва марказдан қочирма кучлар таъсирида турли корзинанинг ён деворчаларига шиддат билан итўйитилади. Центрифуга ёрдамида сиқиб оинган шарбат шарбат сиққичнинг корпусига ва у ердан новча 10 орқали стаканга оқиб тушади.


Шарбат сиққични қисмларга ажратишда қопқоқни маҳкамлаш бандини суриб қўйиш ва қопқоқни пестик билан бирга олиш керак. Пластмасса гайка

6 ни ўнгдан чапга томон бураб чиқарилади ва қирғич диск, турли сават ҳамда корпус олинади.

Шарбат сиққичнинг электр юритмасини ён бошга олиб қўйилиб, тўртта винт бурчак чиқарилади ва электр двигателнинг паст томондан ёпиб турадиган таглик 12 олинади. Сўнгра улаш шнурини маҳкамлаб турувчи иккита ҳомутча 13 даги винтлар бураб чиқарилади. Яна иккита винт бураб чиқарилади ва сим включательдан ажратиб олинади. Изоляцион найчаларни суриб шнурдан двигател чўлғамларга борадиган сим ажратиб олинади. Включателни электр юритма кропусига маҳкамлаб турувчи иккита винт бураб чиқарилади ва включатель олинади. Синагич ёки контрол лампа ёрдамида шнурнинг тузуклиги текширилади.

Худди шу асбоб билан включатель текширилади.

Электр двигателнинг алмаштириш учун электр юритманинг юқори қисмида двигатель валида шпонка уриб чиқарилади ва ўтувчи вал 11 олинади. Шпонкани уриб чиқаришдан олдин вални синчиклаб кўздан кечириш ва агар шпонка керим уриб маҳкамланган бўлса, эҳтиётлик билан бу жойни эговлаш керак.



21- расм. «Сок» шарбат сиққичи:

1- включатель; 2- электр дивнгатель; 3-корпус; 4- тўрли саватча 5- қирғич диск; 6- гайка; 7- қопқок; 8- юклаш бўлмаси; 9- пестик; 10- тарнов; 11-ўтиш вали; 12-поддон; 13- хомутчалар

IV. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш. (10 минут)

Саволлар:

1. Электр шарбат сиққичнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
2. Электр шарбат сиққичнинг техник кўрсаткичларини таърифланг?
3. «СОК» шарбат сиққичи ҳақида маълумот беринг?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

V. Дарсни яқунлаш. (12 минут)

а) Уйга вазифа бериш.

Уйга лаборатория иши мавзуси бўйича календарь тематик режа, дарс режа-конспекти, мавзуни ўтиб берган талабанинг дарс таҳлили варақаси тўлдирилиб топширилиши вазифа қилиб берилади.

б) Иш ўрнини йиғиштириш.

Дарс мақсади:

Таълимий: талабаларда электр насослар тузилиши мавзусини касб-ҳунар коллежида ўқитиш методикаси юзасидан зарурий билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: мавзуга оид техник хавфсизлик қоидаларини, электр насосларни сақлашнинг санитария-гигиена талаблари, электр насосларни ишлатиш қонун-қоидаларини тушунтириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг техник тафаккурини ривожлантириш.

Дарс шакли: лаборатория.

Дарс методлари: амалий, кўргазмали.

Фанлараро боғланиш: электротехника, физика, химия, педагогика, педагогик маҳорат, психология, ахборот технологиялари.

Дарснинг моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар: электр насос макети, электр насосни ишлаш схемаси, мавзуга оид плакатлар, адабиётлар.

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Авазбоев О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Меҳнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулоти. –Т.: ТДПУ, 1995.
2. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
3. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулоти: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Лепаев Д.А. Электр уй-рўзғор асбобларининг тузилиши ва таъмирлаши. -Т.: Ўқитувчи, 1987.
5. Шарипов Ш.С. ва б. Педагогик амалиёт (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006.
6. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш., Сатторов В.Н., Авазбоев О.И. Меҳнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулоти. –Т.: ТДПУ, 2002.

Дарснинг бориши**I. Ташкилий қисм. (5 минут)**

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг дарсга тайёргарлиги, лаборатория ишларини бажариб келганлик даражаларини, лаборатория бажариш учун керакли бўладиган анжомларнинг етарли эканлигини текшириш. Талабалар

лаборатория йўриқномаларини олган ҳолда иш бажаришга киришадилар. Хона тозалигини текшириб бўлгач, давоматни аниқлайди.

II. Ўтган дарс мавзусини ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш. (10 минут).

Саволлар

1. Электр шарбат сиққичнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
2. Электр шарбат сиққичнинг техник кўрсаткичларини таърифланг?
3. «СОК» шарбат сиққичи ҳақида маълумот беринг?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

III. Янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар. (45 минут).

Режа:

1. Электр насосларнинг ишлаш принципи.
2. Электр насосларнинг қўлланилиш соҳаси.
3. Электр насосларни бажарадиган ишига қараб классификацияланиши.

Насосларни тузилиши, турли параметрлар, суюқликка энергия бериш усули ва бошқаларга қараб турлича классификациялаш усуллари мавжуд.

Энг кўп тарқалган усул уларни ишлаш принципига қараб классификациялашдир. Бунда насослар асосан иккита катта группага: куракли ва ҳажмий насосларга бўлинади. Бу икки тур насослар деярлик барча насосларни ўз ичига олади, лекин бир қанча бошқача принципда ишлайдиган насослар бу икки классга кирмайди. Буларга оқимчали насослар (учинчи класс сифатида ажратиш мумкин) ва бошқа кўтаргичлар киради. Куракли насослар яна марказдан қочма, ўқий, пропеллерли, уярма насосларга бўлинади. Тузилиши ва ишлаш принципи бир хил бўлгани учун вентиляторларни ҳам куракли насослар классига киритиш мумкин. Вентиляторларнинг ҳам марказдан қочма, ўқий, пропеллерли турлари мавжуд. Куракли насосларни уларнинг бир валида битта ёки бир нечта иш ғилдираги ўрнатилишига қараб бир поёнали ва кўп поёнали насосларга ажратиш мумкин. Марказдан қочма насослар сўриш усулига қараб бир томонлама сўрувчи ва икки томонлама сўрувчи насосларга бўлинади.


Ҳажмий насослар икки группага, поршенли ва роторли насосларга бўлинади. Булар яна бир қанча кичик группачаларга бўлинади (улар тўғрисида тегишли бўлимда тўхталиб ўтамиз). Оқимчали насослар эса эжектор, инжектор ва гидроэлеваторларни ўз ичига олади. Насосларни бундай классификациялашга ишлаб чиқаришда энг кўп тарқалган икки тур (марказдан қочма ва поршенли) насослар атрофида барча насосларни группалашга интилиш асос бўлган бўлса керак.

Насосларни суюқликка берган босимнинг миқдорига қараб, паст босимли (босими 20 м сув уст. гача), ўртача босимли (босими 20..,60 м сув уст. га тенг), юқори босимли (босими 60 сув уст. юқори) насосларга ажратиш мумкин. Уларни берган сарфига қараб паст, ўрта ва юқори сарфли насосларга группалаш мумкин.

Поршенли насослар. Тузилиши ва ишлаш принципи

Насосларда суюқлик қайси типдаги кучлардан (динамик кучлар ёки статик кучлар) фойдаланиб сўрилишига қараб, улар динамик ёки қажмий насосларга бўлинади. Бунда юқоридаги классификацияга кирган насосларнинг поршенли ва роторли, турлари қажми насосларга, қолганлари эса динамик насосларга киради. Сўрилиш процесси поршень ўзининг энг чекка сурилиш чегарасига етгунча давом этади. Бунда сўрилиш трубасидаги сийраклинишни сўриш клапани олдига жойлаштирилган вакуумметр ёрдамида ўлчаш мумкин. Таъминловчи идишдаги суюқлик саткидан насос цилиндрининг энг юқори саткигача бўлган баландликка сўриш баландлиги H_c дейилади. Сўриш баландлиги чегаравий сўриш баландлиги $H_c \leq H_{ч}$ дан катта бўлмаслиги керак.

Поршень (плунжер) илгариланма (олдинга) қаракат қилганда эса иш бўшлиғидаги босим ортиб, сўриш клапани ёпилади.



22-расм. Бир томонлама ишлайдиган кривошип-шатунли насос:

1—кривошип шатунли механизм. 2—шток, 3—поршень (плунжер) 4—суриш клапани, 5—қайдаш клапани 6—суриш трубаси, 7—тиргак (товон) клапан, 8—фильтр, 9—қайдаш трубаси.

Бўшлиқдаги босим ортишда давом этиб, унинг миқдори: суюқликни қайдаш босими p_x га етганида қайдаш клапани очилиб, суюқлик хайдаш трубаси 9 га ўта бошлайди. Суюқликни хайдаш поршеннинг энг чекка қайдаш чегарасига етгунча давом этади.

Насоснинг босими, унумдорлиги (сўриш миқдори)

Насоснинг босими деб насосдан ўтаётган суюқликнинг бирлик оғирлигига берилган энергия (бошқача айтганда насосдан ўтаётган суюқлик оқимининг солиштирма энергияси)га айтилади. H суюқлик устунининг метрларида ўлчанади. Босим икки усулда аниқланади:

1) насос қурилмасининг (4.2-расм) ўлчов асбоблари кўрсатувидан (насос ишлаб турганда);

2) насос қурилмаси қисмларида суюқликка берилган солиштирма энергиялар йиғиндисидан.

Бошқа турдаги насосларнинг сарф формуласи тегишли насос қақида гапирилганда берилади.

IV. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш. (10 минут)

Саволлар:

- 1.Электр насосларни ишлаш принципини айтинг?
 - 2.Электр насосларни қўлланилиш соҳаларини санаб ўтинг?
 - 3.Электр насосларни бажарадиган ишига қараб классификацияси қандай?
- Талабалар жавобларини умумлаштириш.

V. Дарсни якунлаш. (12 минут)

а) Уйга вазифа бериш.

Уйга лаборатория иши мавзуси бўйича календарь тематик режа, дарс режа-конспекти, мавзунини ўтиб берган талабанинг дарс таҳлили варақаси тўлдирилиб топширилиши вазифа қилиб берилади.

б) Иш ўрнини йиғиштириш.

УЙ-РЎЗҒОР ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИ МАШИНАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ҚИЛИШДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИ

Умумий ҳолатлар

1. Электр тармоқларига уланадиган аппаратуралар билан ишайдиган электротехник ходим техник эксплуатация қилиш, уй-рўзғор электр асбоблари ва машиналарига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қилиш хавфсизлик қоидаларини, Ушбу инструкцияни билиши ҳамда талабларига риоя қилиши керак.

2. Асбоблар, электр симлар носоз бўлганда, техник эксплуатация қилиш қоидалари ва хавфсизлик техникасига оид инструкциялар бузилганда уй-рўзғор электр асбоблари билан ишлаган пайтда электр токи билан жароҳатланиш хавфи туғилиши мумкин.

0,06 А ли ток кучи инсон ҳаёти учун хавфли, 0,1 А ток эса ҳалокатли ҳисобланади.

3. Кучланиши 36 В дан ортиқ бўлган асбоблар билан ишлаганда ходимларни ток билан жароҳатланишдан сақлаш учун электр токдан изоляцияловчи ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари керак. Ҳимоя воситалари «Электр установкаларида ишлатиладиган ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва уларни синаш қоидалари»га жавоб бериши керак.

4. Кавшарлагичлар, кавшар эритиладиган ванна ва кўчма ёриткичларни таъмирлаш учун 36 В дан ортиқ бўлмаган кучланишдан фойдаланиш керак. Бирламчи ва иккиламчи чулғамлари электр жиҳатдан чулғамлари алоҳида-алоҳида бажарилган пасайтирувчи трансформатор ёки 36 В ли генератор хавфсиз кучланиш манбаи бўлиши мумкин.

Хавфсиз кучланиш манбаи сифатида автотрансформаторлар ишлатиш ва тармоқ кучланишини 36 В гача пасайтириш учун потенциометр ҳамда реостатлардан фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

5. Ушбу қўлланмада назарда тутилмаган муваққат характерга эга бўлган ишларни бажаришда цех бошлиғи муваққат қўлланма ишлаб чиқади ва уни хавфсизлик техникаси инженари билан клишиб олади ҳамда бу ишларни бошлаш олдидан иш бажарувчиларга инструктаж беради. Ва меҳнат хавфсизлиги журнаliga ёзиб расмийлаштирилади.

6. Ишга янгидан кирган ходимларни Ушбу инструкцияни библиши ва уй-рўзғор машиналари ҳамда электр асбобларини эксплуатация ва таъмирлаш қилишга оид хавфсизлик қоидаларини билишини олдиндан текширмасдан туриб уларнинг мустақил ишларига рухсат этиш манн этилади.

7. Электр асбоблар ва бошқа аппаратлар билан иситиш системалари, водопровод, ерга улаш контури, уланган асбоб-ускуналар ва шунга ўхшаш системалар яқинида ишлашга, ишловчининг ток ўтадиган қисмлар билан ер орасига тушиб қолишини олдини олиш учун, ерга уланган қисмлар олдиндан изоҳлангандан кейингинина рухсат этилади.

8. Қалай-қўрғошин кавшарлар билан кавшарлаш ва оқартиришда қўрғошин буғлари ҳосил бўлади. Қўрғошин организмга ёмон таъсир қилади, шунинг учун тақибда қўрғошин бор кавшарлар билан доимо кавшарланадиган участкаларда эски ҳавони чиқариб Янги ҳаво киритадиган вентиляция зарур. Иш ўринларида эса, эски ҳавони сўриб олгичлар бўлиши керак. Қалай қўрғошинли кавшарлар билан ишлашда назарда тутилган ишлаб чиқариш ва шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

Таркибида қўрғошин бор кавшарлар билан кавшарланадиган хоналарда овқатланиш ва чекиш қатъиян манн қилинади.

Тушликдан олдин қилинадиган танфус пайтида ва иш тугагандан сўнг кўлни совун билан иссиқ сувда яхшилаб ювиш зарур.

Иш кийимини кўча ва уй кийимидан алоҳида сақлаш керак. Иш кийимини уйга олиб кетиш тақиқланади. Иш кийимини уйда ювиш манн этилади.

9. Изоляцияни куйдириб тозалаганда иш ўрнидаги ҳавони ифлослайдиган ва киши организмга ёмон таъсир кўрсатадиган буғ ва тутгун ажралиб чиқади. Масалан, резина, полихлорвенил ва бошқа бир қатор изоляцион материаллар ёнганда, нафас йўллари, кўз ва терини ялиғлантирадиган , шунингдек организмга умумий зарарни таъсир кўрсатадиган моддалар ҳосил бўлади.

Юқорида айтилаганлардан асосланиб шуни айтиш керакки, куйдириш, симлар учун оқартириш каби ишларни эски ҳавони сўриб оладиган маҳаллий вентиляция ишлаб турган вақтдагина бажаришга руҳсат этилади.

10. Иш ўринларининг ёритилишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Чунки бу жойларда ишловчиларни кўзи зўриқади ва диққат талаб қилинади.

Ишлаб чиқариш хоналарида умумий ёритиш ҳам маҳаллий ёритиш ҳам назарда тутилиши керак. Шу билан бирга ёритиш арматураси ишловчилар кўзини лампаларнинг қамаштирадиган таъсиидан сақлаши керак. Ёриткичлар шундай жойлаштирилиши керакки иш бажариладиган юзаларга соя тушмасин.

Ишчи ходимнинг иш бошлашдан олдин бажарадиган вазифалари.

1. Иш бошлашдан олдин :

а) иш асбобларининг (отвѐрткалар, омбурлар, махсус шчуплар ва ҳ) ишга яроқлилигини;

б) кавшарлагичлар, кўчма лампалар, кавшар эритиладиган ванналар ва электрлаштирилган бошқа асбобларнинг носоз эмаслигини;

в) шахсий ҳимоя воситаларининг (диэлектрик қўлқоплар, дастаси изоляцияланган асбоблар ва ҳаказоларнинг)ишга яроқлилигини ва синаш муддатларини;

г) схемаларни йиғиш ва электр билан таъминлаш симлари учун кўлланиладиган симлар изоляциясининг бутунлигини;

- д) сақлагичлар, штепцелли ажратгичлар, узайтиргичлар, розеткалар, виключателлар-клеммниклар ва уларнинг иш кучланишларига муофиқлиги;
- е) ток қабулқилгичлар (электр двигателлар, уй- рўзғор электр асбоблари ва машиналари ва ҳаказолар) корпусини ерга улайдиган қурилманинг бор йўқлиги ва унинг носозлигини;
- ж) маҳаллий вентиляция ишга туширилишини текшириш зарур.

Ишчи ходимнинг иш вақтидаги вазифалари

1. Аппаратура ва асбоб иш ўрнида қулайлик ҳамда хавфиз ишлашни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак.
2. Асбобларнинг жойлашиши иш ўрнида ўзлаштирилганда, асбоблар таъминлаш манбаидан ажратилиши керак.
3. Схемани йиғиш ёки унга қисман ўзгаришлар киритиш ишлари фақат барча таъминлаш кучланишлари узилгандан кейингина бажарилиши лозим.
4. Уй-рўзғор техникасини таъмирлашда иш кучланишга муофиқ бўлган узел ва деталлар, материал ва аппаратлардан фойдаланиш зарур.
5. Схема симларининг учлари фақат улаш учун зарур бўлган узунликда тозаланади. Сим учлари тасодифан ажралиб кетмаслиги ёки контактлар қуймаслиги учун симлар ишончли уланиши керак.
6. Исталган схемани улашдан олдин уни олдиндан ўрганиш керак ва айниқса кучланиши 36 В дан юқори занжирларини яхши билиши керак.
7. Йиғилган схема, электр аппаратуралар ва электр жиҳозларни таъминлаш манбаига ток ҳамда кучланиш бўйича муофиқ нормалланган суюқланма-қуймали сақлагичлар орқали улаш керак.
8. Схемалар, тўғриловчи блоклар ва бошқа электр занжирларда кучланиш бор-йўқлигини кучланиш кўрсаткичлари, вольтметрлар ёки махсус шчуплар ёрдамида текшириш зарур.
9. Бахтсиз ҳодисалар юз бермаслиги учун иш жараёнида кавшарлагични силкитиш манн этилади.
10. Иш қисқа муддатга тўхтатилганда ёки Бирон жойга кетганда схема ва барча асбобларни тармоқдан ажратиш зарур.

Ишчи ходимнинг иш тугагандан кейин бажарадиган вазифалари.

1. Иш тугагандан кейин қуйидагиларни бажариш зарур.
 - А) ҳамма аппаратурани, экспериментал схемалар, электрлаштирилган асбоблар электр тармоқларидан ажратилади;
 - Б) асбоблар, атериаллар ва асбоблар йиғиштириб қўйилади;
 - В) иш ўрнини санитария нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

Уй-рўзғор чангсўргичлари ва поларткичларни таъмирлаш қилишда хавфсизлик чораларига оид кўрсатмалар

1. Электр чангсўргичлар ва пол атрқичларни таъмирлаш қилишга шу ихтисос бўйича ўқиган ва инструкцияни ўрганган ҳамда инструктаж олган шахсларга рухсат этилади.
 2. Таъмирлаш ишларини бажаришдан олдин асбоб-ускуналар, стендлар, мосламалар, асбоблар асбобларнинг носоз эмаслигига ишонч ҳосил қилиш лозим.
 3. Электр чангютгичлар ва полартқичлар тармоқдан ажратилган ҳолда таъмирлаш қилиниши керак.
 4. Коллектор ёки якорнинг дарз кетишига йўл қўймаслик учун электр двигателни тўла номинал қиланишга нагрукасиз улаш манн этилади.
 5. Двигатель тармоққа улангандан кейин унинг ток ўтадиган қисмларига тегиш манн этилади.
 6. Электр двигателни қисмларга ажратишда халақитларни сўндирувчи қурилманинг конденсаторларини зарядсизлантириш лозим.
 7. Вентилятор қурилмаси очиқ бўлган электр двигателни текширишга йўл қўйилмайди.
 - 8 Чангютгичлар ва полартқичларнинг конструкцияси шундай тузилганки, унинг ток ўтадиган ва айланадиган қисмларига тасодифан тегиб кетиш эҳтимоли йўқ.
- Чангютгич ёки полартқични текширишда уларнинг ички қисмларига ток ўтказадиган предметлар билан тегиш мумкин эмас.

Уй-рўзғор кир ювиш машиналарини таъмирлаш қилишда хавфсизлик
чоралари ҳақида кўрсатмалар

1. Кир ювиш машиналарини шу ихтисос бўйича ўқиган ва инструкцияни ўрганган ҳамда инструктаж олган шахсларгагина таъмирлаш қилишга рухсат этилади.
2. Таъмирлаш ишларини бажаришдан олдин асбоб-ускуналар, стендлар, мосламалар, асбоблар ва асбобларнинг носоз эмаслигига ишонч ҳосил қилиш лозим.
3. Иш ўрнини шундай ташкил этиш керакки, ҳар қандай бахтсиз ҳодисанинг вужудга келиш эҳтимоли бўлмасин.
4. Кир ювиш машиналарининг таъмирлашига оид барча асбоб-ускуналар, стендлар, мосламалар, контрол ўлчаш аппаратуралар мустаҳкам пойдеворлар ёки асосларда ўрнатилиши, шай бўлиши, синчиклаб текширилиши ва маҳкамлаб қўйилиши керак.
5. Асбоб-ускуналар, стендлар, контрол ўлчаш асбобларининг барча ток ўтадиган қисмларига тасодифан қўл тегиб кетмайдиган бўлсин.
6. Ремонт қилшдан олдин Кир ювиш машинаси тармоқда ажратилиши керак.
7. Таъмирлашдан кейин машинани ишлатиб кўришда:
 - А) машинани тўнтарилган ёки қиялатиб қўйилган ҳолатда тармоққа улаш;

Б) ювувчи эритма ёки сувни электр асбоб-ускуналарига тушишга йўл қўйиш;

В) активатор айланаётганда қўлни кир ювиш бакига тикиш;

Г) центрифуга ротори тўла тўхтамагунча қопқоғини очиш қатъиян манн этилади.

8. Машина узелларини тозалаш ва мойлашга боғлиқ бўлган ишлар машина тармоқдан ажратилгандан кейингина бажарилиши керак.

9. Автоматик кир ювиш машиналарини ихтисослаштирилган ташкилотлар «Қуввати 1,3 дан 4 кВт гача бўлган уй-рўзғор электр машиналари ва асбобларини давлат уй-жой фонди ва УЖҚК (уй-жой қурилиш кооперативи) уйларида ўрнатиш ҳамда тармоққа улаш бўйича муваққат қоидалар» га амал қилган ҳолда ўрнатади ва тармоққа улайди.

10. Автоматик кир ювиш машиналарини амладаги нормалга мувофиқ махсус электр симлари билан жиҳозланган тармоқ кучланиши 220 В бўлган турар-жой биноларида эксплуатация қилишга руҳсат этилади.

11. Махсус симлар билан жиҳозланманган уйларда ёнғин ва электр жиҳатдан хавфсизликни таъминлаш мақсадида автоматик Кир ювиш машиналарини эксплуатация қилиш учун қўшимча линия ётқизилиши ва 220 В кучланишда 20-25 А токка мўлжалланган ерга улаш контакти бор штепсель разетки ўрнатилиши керак.

12. Суюқланувчи қўйма ёки автоматик включателлар ажраткични номинал токлари автоматик кир ювиш машинасини таъминлаш группалари учун 220 В кучланишда 20 А токка ўрнатилиши керак.

13. Ерга уланмаган автоматик кир ювиш машинасини эксплуатация қилиш қатъиян манн этилади.

14. Автоматик кир ювиш машинаси тармоққа уланадиган ва ишлайдиган жойи махсус жиҳозланган бўлиши керак: штепселли разетка разъёми ўрнатилган ва ерга уланган бўлиши; сув қўйиладиган шланкларни улаш учун водопровод кранлари мосланган бўлиши; мағзава тўкиладиган канализация қурилмаси полдан кўпи билан 1 м баландликда туриши керак.

15. Иш тугамагунча машина қопқоғини очиш манн этилади. Машина қопқоғини очиш талаб қилинадиган барча ишлар (кукун солиш, бельё жойлаш, машинани тозалаш ҳамда таъмирлаш қилиш ва ҳоказо) машина ток манбаидан тўлиқ ажратилгандан сўнг бажарилиши лозим.

16. Машинани ишлатишдан олдин барабаннинг қопқоғи тўғри ёпилганлиги текширилади, бунинг учун кулф кнопоксини босмасдан туриб ричагни тортиб кўриш керак.

17. Транспортда ташишда қўлланиладиган химоя мосламаларини олмасдан туриб машинани ишлатиш манн этилади.

Совутгични таъмирлаш қилишда хавфсизлик чоралари ҳақида кўрсатмалар.

1. Совутгични кўздан кечириш ва таъмирлаш қилишга хавфсизлик техникаси талаблари билан таниш бўлган, электр монтаж ишларини бажаришда зарур бўлган билим ва малакага эга механикларгагина рухсат этилади.
2. Совутгични текшираётган ва носоз жойларини тузатаётган пайтда Совутгичнинг электр занжирларини текширишда ва ўлчов асбобларини улашда электр токи билан шикастланишнинг олдини олиш учун тегишли эҳтиёт чораларини кўриш керак.
3. Совутгичнинг электр асбоб-ускуналаридаги носоз жойларини бартараф қилишда уни тармоқдан ажратиш (вилкани тармоқ разеткасидан чиқариш керак. Тармоққа уланган Совутгични зарур ҳолладагина) текшириш ёки таъмирлаш қилиш лозим.

Терморегулятор узоқ муддатга олиб қўйилганда симларининг очик учи электр токи билан жароҳатланишни олдини олиш учун яхшилаб изоляция қилиниши керак.

Занжирларда кучланиш бор йўқлиги кучланиш индикатор ёки кўчма электр лампа ёрдамида текширилсин.

Резина қопқоқлар ва дастаси изоляцияланган монтер асбоблари токдан жароҳатланишдан сақлаш учун изоляцияловчи ҳимоя воситалари бўлиб хизмат қилади.